



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 44 (551)

2007 йил 30 октябрь

сешанба

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ



«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси

Сайлов ва сайловчи

Сайлов қонунчилиги атамалари тўғрисида нималар биламиз?

Номзод кўрсатиш тартиби

Президентликка номзод кўрсатиш, сиёсий партияларнинг юқори органлари, ташаббускор гуруҳлар йиғилиши томонидан сайловга олти беш кун қолганда бошланиб, қирқ беш кун қолганда тугалланади. Хар бир партия ва ташаббускор гуруҳ бир нафардан номзод кўрсатади. Сиёсий партиялар номзодларни ўз аъзоларидан ёки партиясизлар орасидан кўрсатади. Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар номзод кўрсатгач, ўша номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг беш фоизининг имзосини тўплаши, имзолар ҳудудлар бўйича мутаносиб бўлиши белгиланган.

Номзодларни рўйхатга олиш

Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар томонидан тегишли тартибларга амал қилиниб тақдим этилган Президентликка номзодлар, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганда тугайди. Номзод рўйхатга олинган, улар ҳақидаги маълумот беш кун ичида Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади. Номзод рўйхатга олинishi, тегишли ҳуқуқ ва кафолатларни келтириб чиқаради. Кимлар номзод этиб рўйхатга олинмаслиги қонунда белгиланган.

2-бет

Муҳим саналар

- 1996 йил 10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- 1998 йил — Мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилинди.
- 1998 йил 30 апрель — Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси» қабул қилинди.
- 2001 йил 5 февраль — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» давлат дастури тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.
- 2002 йил 5 июл — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мус таҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.
- 2007 йил 19 май — Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

Лавозимидан озод қилинди

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ГА

жавоб берадилар

Ҳал этиш учун юборилди



Фуқаро Т.Темировнинг Андижон Давлат университети маъмуриятдан «моддий ва маънавий» зарарни ундириш ҳақидаги мурожаати мавжуд ҳужжатларни ўрганиш орқали текширилди.

Дарҳақиқат, муаллиф университетнинг физкультура тарихи кафедраси ассистенти вазифасида ишлаб келиб, 1988 йил 17 августда содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнатга бўлган қобилиятининг 80 фоизини йўқотган ва Андижон шаҳар тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг тиббий хулосасига асосан унга муддатсиз 2-гурӯх ногиронлиги белгиланган.

1992 йилдан 2004

йил май ойига қадар мазкур даъво аризасидан Т.Темировга энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридан тўловлар амалга оширилиб келинган.

Аниқланишича, Т.Темиров тайинланган нафақа ва тўловларни амалга ошириш ҳолатларидан норози бўлиб, 2007 йил 14 апрелда Андижон Давлат университетида «моддий ва маънавий» зарарни унди-

риш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво аризаси киритган.

Суд томонидан мазкур даъво аризаси бўйича фуқаролик иш қўзғатилиб, ҳозирда иш мазмунан кўриб чиқилмоқда.

Шу муносабат билан Т.Темировнинг тахририятга йўллаган мурожаати фуқаролик ишига қўшиб ҳал этиш учун юқоридаги судга юборилди.

Қ.ЖҲҲРАЕВ,
Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Патхулло Абдиевнинг «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига ёзган шикоят аризаси Бойсун туман халқ таълими бўлими мутахассислари томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Ишга тикланди

Тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси П.Абдиев 2005-2006 ўқув йили охирида мактаб директори билан ўзаро жанжаллашган ва меҳнат таътилидан сўнг ҳақиқатан ҳам узрсиз ишга келмаган.

Мурожаат қилинганидан сўнг мактаб директори ва ўқитувчи Патхулло Абдиев ўртасидаги келишмовчилик ижобий ҳал қилиниб, хар иккаласининг ҳам айби борлиги аниқланди.

П.Абдиев 19 соат меҳнат таълими фанидан дарс билан таъминланиб, тарифдан ўтказилди.

Шикоятчи текшириш натижасидан қониқлиқ ҳосил қилди ва бу ҳақда тушунтириш хати ёзиб берди.

Ҳ.АЛМАРДОНОВ,
Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги в/б

АТ «Пахта банк»и «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасининг 2007 йил 11 октябрдаги 11/03-сонли хати юзасидан куйидагиларни маълум қилади. АТ «Пахта банк»нинг Яккабоғ филиалидаги ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси жорий йилнинг 29 майда 10-7/8-07-сонли умумлаштирилган «Банк тизимидаги қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида»ги тақдимнома киритилган.

Ушбу тақдимнома банк бошқарувининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилишида барча ҳудудий бошқармалар ва филиаллар иштирокида муҳокама қилиниб, қайд этилган салбий ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури тасдиқланган. Ушбу Дастурда банкнинг Яккабоғ филиалида ҳам қайд этилган салбий ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш чоралари белгиланган.

Шу билан бирга банкнинг Яккабоғ филиали бошқарувчиси Ш.Жонқобилов банк бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 36А/1-сонли қарорига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

С.ИНАГАМОВ,
АТ «Пахтабанк»
Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Tahrirsiz bosildi

Машина олмоқчи эдим...

Ассалому-алайкум хурматли таҳририят!

1920 йилда туғилганман. Замона зайли, тақдир тақозоси билан йўқчилик, қаҳатчилик, очарчилик даврларини кўрганман. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчисман. Урушдан кейин юртага 1-гурух ногирони бўлиб қайтдим. Урушдан кейин ҳам мен ногиронман деб қўл қовуштириб ўтиришгани ўзимга эп кўрмай, турли вази-фа ва лавозимларда 47 йил давомда ҳалол ва виждонан меҳнат қилдим. Ҳозир нафақаданман.

Турмуш ўрғоғин оғир касалликка чалиниб, вафот этган. Уғил неварам Умиджон менга доимий ҳамроҳ бўладиган, бутун юмушларини бажарадиган йигит бўлди, уни уйлантириб, биринчи эвара кўрдим.

Ана шу Умиджон неварамга мендан бир совға бўлсин деб, уни ўзига ҳам билдирмасдан, Урганч шаҳри, «Сааноатчилар» кўчаси 24-ўйда жойлашган «Хоразмавтотехизмат» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига бориб, «Нексия» русулки автомашина кераклигини, нақд пулга сотиб олмоқчи эканлигини айтдим.

Шундан сўнг мен учун сарсон-саргардонликлар бошланди, эрта келинг, инди келинг, шартнома ёзиб берамиз, деб роса мени алдади.

Ҳозир салкам 90 ёшданман. Аммо ҳали текиман. Уй билан «Автотехизмат» оралиғидagi масофа 2-3 километри ташкил қилса-да, яёе бораман.

Кейин, Урганч шаҳридаги Аз-Замахшарий кўчаси 57-ўйда жойлашган «Хоразмасавдо» МЧЖга қарашли автосалонга борганимда ҳам худди юқоридагидай аҳвол такрорланди.

Охири ўйланиб, жамият бошқаруви раиси номига ариза ёзиб, алоқа бўлими орқали бю-юртмали хат билан мурожаат қилдим.

Мурожаатимга жавобан 14-09-2007 йил №188-сон билан ёзилган жавоб хати, билди-ришномани олдим.

Хуллас, улар ҳам мени навабга олишмади... Энди одамгарчилик нуктани назаридан, кейин қонунчилик нуктани назаридан оладиган бўлса, ахир мен, аризам билан бир қаторда ило-ва қилиб ҳамма ҳуж-жатларимдан нус-халар юборганман.

Урганч туман мудофаа бўлими-дан берилган 26-04-2007 йил №153-сон билан қайд қилиб ёзил-ган «маълумотнома»да «Навбатсиз автомашина сотиб олиш имтиёзига эга», деб кўрсатилган. Менга туман му-дофаа бўлимидаги масъул раҳбарлар ҳукуматимизнинг қарорларига асосланиб, «маълумотнома» ёзиб бергандирлар, ахир?! Биз тенги, иккинчи жаҳон уруши қатнаш-чилари ва ногиронлар ҳам бармоқ билан сар-нари қолди.

Бу ҳақда ёшулларимизнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини билишни истар эдим...

Жуманияз БЕРМЕТОВ,

Урганч туман, Сотим Қаландаров фермер уюмчаси №10-бўлим, «Гойбу» кишлоғи



Албатта, қайсидир маънода ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос жиҳати бўлади. Ҳар бир шаҳарнинг турмуш-тарзи ҳам бошқа жойлардан фарқ қилади. Шаҳар кўрки, у ердаги манзаралар ҳар бир меҳмонни ўзига жалб қилиши табиий.

Taajjub

«Қизилми ё қора...»

Шундай экан, юртимиз жанубидаги шаҳарлардан бири ҳақида ҳам ҳар қанча илиқ гапларни айтиш мумкин. Чунки, бу ерда буюк алломалар ўтганлигидан шаҳардаги тарихий обидалар ҳам гувоҳлик бериб туради. Шунинг учун ҳам бу ерга мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан меҳмонлар келади. Шаҳардаги бозорларнинг жойлашуви, уларнинг замонавийлиги киши қайфиятини кўтарди. Лекин бизни масаланинг бошқа бир жиҳати таажжубга солди.




Бозорнинг қоқ ўртасида уч-тўрт нафар шербиллак йигит «қизилни топсанг» жопасан, қорасига ютқазсан, деб қимом ўйинини авж олдиришаётган экан. Ушбу қимом ўйнинида бир неча алданган содда қишлоқ аёллари изти-

роб чекиб, пулларидан айрилиб кетаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бундай ҳолатларни Деновдай довруқли, маънавияти, тарихи қадимиятга бориб тақалган шаҳарда содир бўлаётгани, очиги, бироз кўнгилмизга оғриқ солди. Тўғри, бу воқеа кимгадир арзимасдай туюлиши мумкин. Бироқ кундуз куну содда кишиларнинг чўнтагини қоқиб олсалар галати туюлар экан. Бу ҳақда бозор маъмурияти нима деркин?

Элдор РАФИҚОВ,
Бахорид БОБОҚУЛОВ,
Фурқат ВОҲИДОВ,
Жаҳонғир ЭРМАТОВ,
Бухоро шаҳри

Izoh
Суд – ҳимоя тизими

Адолатли жамиятда адолатли қонунларни ҳаётга татбиқ этувчи суд-ҳуқуқ тизимида ислохотлар босқичма-босқич узлуксиз давом этмоқда.



Мамлакатимизда амалга оширилётган демократик ислохотлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятини ва мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, етказиш борасида жойларда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари, халқи-мизнинг ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий маданиятни инсон қонун бузилишига йўл қўймайди.

Маълумки, суд тизими жазоличи эмас, балки инсон ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органидир. Жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг очик суд мажлисида С.Бобоқуловнинг фаолиятига тўғригина баҳо берилди. С.Бобоқулов ўрта-мақоусу маълумотли, беш фарзанднинг отаси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг 17 август 2006 йилдаги ҳукмига қўра ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди 228-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси қўланилиб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланганди. Чунки С.Бобоқулов АТ «Халқ банки» Янги Нишон филиалида назоратчи — ҳисобчи вазири бўлиб ишлаган даврда нафақа пулларидан 10190000 (ун млн. бир юз тўқсон минг сўм) камомад содир қилган эди.

Суд ижрокчилиги Д.Қулназаров, Ш.Шайманов, банк ходимлари А.Назаров, Х.Раҳматов, Менглиқулов ва Х.Ҳидирқовлар иштирокида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини

Шаҳриддин ЭШИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди раиси

Qilmish

Шошганда лаббай топилмадими?

ёхуд сохта ҳужжат машмашаси

— Жуда тўғри ўйлабсиз. — Овсинининг фикрини маъқуллади Норбуевна. — Маҳаллаком деган номингиз бор. Эртдан кечга гача тиним билмай юғурасиз. Ахир қўли текканнинг, оғзи беғадиди. Менда ҳам бир фикр бор. Яқинда кичик овсинимиз Мархабо қизчани бўлди. Унинг номига сохта ҳужжат тўғрилаб, нафақа олиш мумкин. Оила-си тинч. Эрини топиш-тутуши яхши, нафақага ҳам зор эмас. Фақат ишончона орқали нафақани мен олиб турсам ошимиз олчи бўларди. Урага сичкон тушди, гурдур-гуп... Гални бир жойга қўйган овсинлар енг шимариб ишга киришдилар. Улар Пайриқ шаҳри Зейнисо кўчаси Ва-



3-хонадонда яшовчи кичик овсинлари Норбуевна Мархабонинг туғилган қизи Гулнара Алимнова учун «ишланадиган» оналарга бола икки ёшга тулғунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ой-

лик нафақа» пули олиш мақсадида «Бўри» маҳалла фуқролар йиғини томонидан оила аъзолари тўғрисида маълумотнома, туғилганлик ҳақида ҳамда никоҳ қайд гувоҳномалари тайёрлаб, ушбу сохта ҳужжатларни туман молия бўлими ҳамда Халқ банкига тақдим этиб, нафақа пулини сохта ишонч-нома орқали Эшмаматова Норбуевга беришлик ҳақида қалбаки ҳужжат тўғриландилар. Шундай қилиб икки фирарибган овсинлар 2004 йилдан 2006 йилнинг январь ойигача Пайриқ туман Халқ банкидан икки йил давомиди

давлатдан 208 минг 410 сўм нафақа пули олиб, ўзганинг мулкни ўзлаштириб келганлар. Энг қизиғи, нафси хақалак отган овсинлар шошганда лаббай топилмади, деганларидек нафақа олувчи Мархабо Норбуеванинг фамилиясини чалқаштириб Мархабо Эшмаматова, деб, ёзиб нафақа пули олиб келганлар. Бироқ, бу қўбўйчилик ҳужжатдаги чалқаштириш на туман Молия бўлими, на Давлат банки раҳбарлари пайқашмаган. Ахир сохта ҳужжат, сохта фамилия билан биргина маҳалла раисининг маълумотномасига асосланиб, давлатнинг шунча миқдордаги пули ўзлаштирилганлигига ким айбдор? Нима икки йил мобайнида ушбу маҳаллага мутасадди ташкилотлардан бирор-бир

киши бормаганми? Борган. Лекин ўзибуларчилик, совуққонлик, масъулиятсизлик билан ишга ёндошилганлиги тўғрисида бу ҳуфта қилиқ ошқор бўлмаган. Лекин халқимизда «Кинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деган гап бор. Бугунга келиб бу қинғирлик очилди, айбдорлар ўз жазосини олди. Лекин бир савол туғилди. Нега жойларда ўтирган мутасаддилар ўз вазифаларига масъулиятсиз қарайдилар. Ахир, давлат ҳисобидан қинғирлик билан ундирилган бир сўм пул ҳам халқимизнинг ҳақи-қу. Шундай экан, уни тўғри сарфла-нишни назорат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эмасми?!

Раҳматулло РАСУЛОВ,
Пайриқ туман прокурори ўринбосари,
Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Бир вақтлар учқудуқлик эр-хотин Стреккалар шикоят қилишадигани эмас, балки бошқаларга шикоят ёзиб бериш бўйича ҳам «ном чiqароларини» кўпчилик ҳалигача яхши эслайдилар. Улар ёзган такрорий шикоятлар сони шу қадар кўпайиб кетганини, бир хил мазмундаги ариза, бир нечта идоранинг ҳар бирига бир ойнанинг ўзидан ун мартадан йўлланиб қоларди. Аҳолю шу даражада етдики, бундай такрорий шикоятларни инобатга олмаслик тўғрисида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қарор ҳам қабул қилинган эди.

да истиқомат қилаётган Сайёрахон 1966 йилда туғилган, ҳақиқатан ҳам 1-гурух ногирони. Ногиронлиги учун якка-ёлғизлар рўйхатига киритилди, унга шаҳардан барча қўлайликларга эга бўлган квартира ажратилган. Ҳамшаҳримиз эса ушбу унинг ордерини олмас, маълум муддатдан сўнг, уни онасига ҳадя қилишни маъқул кўради. Шундан сўнг, бошпанам йўқ, деб шаҳар ҳокимига мурожаат қила-

ажратилган. Ташкентдаги А.Назаров клиникасида ўғли билан бирга даволаниш, ўғлининг Навой Давлат педагогика инсти-тутида ўқиши учун контракт тўловларини тўлашни, яшаб турган квартирасида иссиқ ва совуқ сув ўлчагичларини бепул ўрнатиб берилиши, врач дори-номасига асосан бепул дори-дармон берилиши, даволаш-профи-лактика муассасаларида овқатла-ниш тўловидан озод этилганли-ги, уй-жой коммунал маиший хизматлар учун компенсация

зорда савдо-сотик билан шуғулланиётганлиги бонс нарса-ларини ташиб юрмаслиги учун темир шафк тайёрлаб берила-рилми, вилоят марказидаги Буюм бозорига янги қурил-ган савдо павильонидан бит-таси унга бериларилми ҳам замондошимизда шўқроналик ҳиссини уйғота олмади. У турли идораларга турли хил талаблар билан шикоят қилишда давом эттаверди. Тўғри, Навой шаҳар ҳокими-лиги ёрдамга муҳтож аёлга

миз юқоридагидек юзта эмас, битта яшйиликни кўзига суртишга таёйрилгани унуттиш мумкин-ми?!

Навоий шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида 3720 нафар ногирон рўйхатга олин-ган. Шундан 271 нафари 1-гурух ногирони.

Узоққа бормайлик, Навой пах-та тозалаш заводига иш жараё-нида ўнг қўлининг елка қисмини станок кесиб кетиб, бир қўлисиз қолган йигирма тўрт ёшли қиз ҳам биз билан бир шаҳарда яшай-

ниб, янги имтиёзлар талаб қилишга ружу қўйиб касали шикоятчида қаердан пайдо бўлган-лигини яна бир сабаби, амал-даги қонунларимизда кўрсатил-ган даражадагидан кўпроқ эъти-бор бериларилми, унга яхши-роқ бўлсин деб баъзан қонун-бузилишлари ҳолатларига йўл қўйилиб бўлса ҳам ортиқча им-тиёзлар яратилганлиги эмасми-кин, деган хулосага келдик.

Шикоятнинг тури, шикоятчи-нинг хили кўп. Кимдир ишдан ноҳақ бўшатирилганлиги, кимдир сабабсиз ойлик маошини олол-маётганлиги, яна кимдир ҳақ-хўқуқи бузилганлиги юзасидан адолат истаб қўлига қалам ола-ди. Навой вилоят олиқ бошқ-армаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимининг бошлиғи Са-лим Абдураулов шундай мисол-лар келтиради: «Сувоқава» иш-лаб чиқариш бошқармаси ходим-ларини аттестация синовидан ўтказиш бўйича аттестация баъ-нини бекор қилиш тўғрисида фу-қаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво ари-задан қаратилди. Шунингдек, хо-димларга тегишли иш ҳақлари тўлик ундириб берилди.

Бундай ҳолатларда уларнинг ҳақ-хўқуқини тиклашга ёр-дам бериш ҳам қонун устувор-лигини таъминлаш сари қўйил-ган қадам, албатта.

Эътибор қилинса, қишлоқ аҳолисини газ, тоза ичимлик суви билан таъминлашни сураб, ҳокимлар қабулига келадиган оқсоқоллардан кўра, «Турмуш ўрғоғини ташлаб кетди, бола-ларим билан бошпанасиз қолдим, менга уй бери» деб келувчи аёллар сони анчайин. Эки бир парча ер устиде, бир оғиз суу устиде талашиб, шикоятбозлик қилиб, бир-бирини судга бериб ҳам тинчимасан, аллами бошим-дан шикоятчилар қанча?! Бун-дай хол эса бизнинг қадри ба-ланд, гурури баланд элга яра-шармиди дейсиз?!

Маруся ҲОСИЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Nayot chorrahalarida

Эртангидеги олтин балиқ...

«Бер-бер» да барака бўлмайди

ёри борлигини бу аёл унутганга ўшарди. Чунки «ишбилармон» онасига янги рангли телевизор кўриш эркилигини қилаётган ёш йигитчининг ёгинисидеда ногирон тенгдоши хасталиқдан изтироб чекаётганлигини, унинг ота-она-си ногиронлик аравачаси эмас, ҳатто дори-дармонлар сотиб олишга ҳам қийналаётганлигини, ёки бахтсиз фожиа туғайли бошига оғир жудолик тушиб, яқинларини тупроққа қўйиб, эл қатори маросимларни ўтказиб, ҳамма ўзидан ортайдиган шу замонда бировдан бир нараса тиланмаган маҳалладоши борлиги-ни ҳам бу аёл жуда яхши биларди. Ҳаммасидан ҳам, атрофи-да оғир шароитда ерга меҳр бериб, юқори ҳосил ундираётган, бир этак болаларини ҳеч ким-дан кам қилимай ўстиришга ҳара-кат қилаётган ориятли қишлоқ аёлларини у жуда яхши танир-ди. Лекин улардан ўртак олин-ди. Уларга ҳам ёмон ибрат кўрсатишда давом этарди... Бу ҳолни кузата туриб, одамларнинг дардига белсандик билан қараш, худбинликдан ҳақ олма-йiptимикин, сохта шикоятчилик деб ўйлабсиз, беихтиёр?

Яна бир тоифадаги шико-ятчилар бор. Улар ноғи-ронлиги учун меҳр-шафқатнинг ҳамма кўчаларидан ўтган, ҳамма имтиёзлардан тўла фойдалана-ётган бўлишди. Навой шаҳри-

ди. Ва унга 2003 йилнинг 7 но-ябрда шаҳар ҳокимлиги томо-нидан 2 хонали уйнинг ордери теширилди. Бу уйни ҳам у 2006 йилда унинг ўғли номига бепул хусусийлаштирилиб юборди.

Ногиронларни ижтимоий ҳимо-

тўлови олиши, телефон хизмати учун 50 фоиз имтиёзга эгалиги, ер солиғи, даромад солиғи, мол-мулк солиқларидан озод этил-ганлиги билан бирга «Маҳалла-хамгармаси ва Қизил Ўрим ой жамиятлари», «Чинор» маҳал-ла фуқаролар Йиғини томо-нидан мунтазам моддий ёрдамлар кўрсатилган.

Ҳомий ташкилотлар томонидан озик-овқат махсулотлари, кийим-кечакларини ва бошқа бери-лаётган бе-миннат ёр-дамларини

инсонпарварликнинг барча даражаларидаги беминнат ёр-дамни амади. Унга зарур бўлган имтиёзлардан ортик-роқ имтиёз яратишга ҳаракат қилди. Чунки юртимизда иж-тимоий ҳимоя, имконияти че-klangан фуқароларга ёрдам бериш ҳукуматининг сиёсати-нинг устувор йўналишлари-дан бирига айланган. Аммо бир одамга меҳрибонлик ва инсонпарварлик ёрдами бун-дан ортик бўлмас. Агар унга ҳокимликлар, Навой кон-м-таллургия комбинати, «Қизи-луқмент», «Навоийазот» очик акциядорлик жамияти каби ҳомий қорхона ва таш-килотлар томонидан ажра-тилган маблағлар миқдорини хисобга олсақ, бу маблағлар билан яна қанча кўнгиллар обод бўлиши мумкинлигини англай-сиз. Шунча имтиёз ва меҳр-му-руват ваэизга у ҳамон шаҳар, вилоят, республикадаги бир не-чта масъул идораларга ўзининг қонунларимиз доирасидан таш-қари янги талаблари билан шикоят қилишдан чарчамаётган-лиги ажабланар. Тўғри, дарад сўраб келмайди. Шу бонс замон-дошимизга биз ҳам бу яхши-ликларни миннат қилиш фикри-дан мултоқ йирокмиз. Зеро, шундоқ ёнгинамизда оддий ма-дадимизга муҳтож бўлган имко-нияти чекланган замондошлари-

ялашга қаратилган эътибор тўғайли унга мамлакатимиздаги «Товоқсой», «Турон», «Семашко» санаторийларига мун-тазам бепул йўлланмалар берилиб, йўл-чиңталари харажатлари ҳомийлар томо-нидан тўланган. Вилоят ҳудудига-ги профлакторийлардан ташка-ри, Навой кон-металлургия комбинати томонидан Россия Федерациясига ўғли билан да-валаниб келиши учун йўллана-ва йўл харажатлари учун маблағ

ёрдам ҳисобига ҳам қўшмаслигини эшитган киши-нинг ишонғиси келмайди.

Навоий шаҳар ҳокимлиги томонидан унга диван, теле-визор ва бошқа уй жиҳозла-рига, ҳатто юк ташин аравача-сига таъминланганлиги, бо-



бир марта шикоят қилиб, мақса-дида эришган Саида опа шун-дай омад унга кулгандан шукр қилиш ўрнига, юраги шувур олди. Ҳокимлики эртангидеги ол-тин балиқ деб фарз қилди чоғи, ордан сал вақт ўтар-ўтмас, яна ҳоким қабулига шайланди. Бу гал «Яқинда ўғлимнинг туғилган куну, унга рангли телевизор со-вга қилишларини ҳоҳлайман...», деб истагини баён этди у. Ҳокимликдан совгани шаҳсан қишлоғига бориб, тантанали ра-вида топиришларини талаб қилишни ҳам унутмади. Ажабо, хайр-саховатнинг, меҳру мурув-ватнинг ҳам чеки-чекараси, меъ-

Бир вақтлар учқудуқлик эр-хотин Стреккалар шикоят қилишадигани эмас, балки бошқаларга шикоят ёзиб бериш бўйича ҳам «ном чiqароларини» кўпчилик ҳалигача яхши эслайдилар. Улар ёзган такрорий шикоятлар сони шу қадар кўпайиб кетганини, бир хил мазмундаги ариза, бир нечта идоранинг ҳар бирига бир ойнанинг ўзидан ун мартадан йўлланиб қоларди. Аҳолю шу даражада етдики, бундай такрорий шикоятларни инобатга олмаслик тўғрисида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қарор ҳам қабул қилинган эди.

БИР ХОВУЧ ДУР ДЕМОКРИТ

(Милоддан аввалги 460-360 йиллар)

Қадимги юнон файласуфи Демокрит Абдера шаҳрида туғилган. У бадавлат оиланинг фарзанди эди. Аммо болаликдан кечиб, бутун умрини камбағалликда ўтказди. Бор умрини дошсевашиликка бағишлади. Миср, Эрон, Хиндистон, Ҳабашистонга саёҳат қилган. Демокрит шахар ташқарисида жойлашган ер остидики



ги сағанада кечяю-қундуз тинмай ижод билан машғул бўлган. У эллика яқин асар ёзиб қолдиран. «Инсон табиати тўғрисида», «Ҳовлар ҳақида», «Мақсад ҳақида» ва бошқалар шулар жумласидандир. Пифагорнинг ўзи Ариустик Демокритнинг устози бўлган.

Эзгулик адолатсизлик қилмасликка эмас, уни истамаслик ҳамдир.

Сўз — амалининг сояси.

Унда йўқ нарсага унғун ҳам келмайдиган, боридан қувонадиганлар ақлли кишилардир.

Демокритнинг юз-қўзидан сира табассум аримаган, чунки адамлар бажароватган барча жиҳдий амаллар унга қулғули туюларди.

Демокрит ғайриоддий нарсапарни дардор илғаб олиш ва улاردан хайратланганининг ҳадисини олган эди. Ривоят қилишларича, Демокрит бир ўтинчининг саржинларни «мукаммал

хандасавий шаклда тахлоётганини кўриб ва бу ишни мутақо олгани равишда, мустакил бажароватганини билиб хайратга тушади. Тахминларга қараганда, бу ўтинчи бўлғуси файласуф Пифагор эди.

Не тонки, қар қандай одам қанча кўйи борлигини ҳеч бир қийинчиликсиз айта олади-ю, лекин ҳамма ҳам нечта дўсти борлигини саноб беролмайди. Наҳотки, дўстлар шунчалик қадрсиз бўлса?

Демокрит мисдан ясалган япироқ қалқони кўёшга тутиб, ўз кўзларини кўр қилган. Файласуфнинг бу қилишини турлича изоҳлайдилар. Масалан, баъзи манбаларга


кўра, Демокрит Кўёшнинг табиатини тадқиқ этаркан, XIX асрда ҳоётини электромагнит тўқинларини ўрганишга бағишлаган Ҳенри Херс тақдирини такрорлаган. Бошқа бир ривоятда айтилишича, Демокрит оламни «номумамал асбоблар» тафоқур кўзини очиб унқун кўзларини «дарчога» ойлантирган. Цицерон эса ойтдики: «Демокрит ўзини-ўзи сўкиришга моҳир эди. Чунки файласуф кўзининг алдамчи манзароларини тақсилотида холос бўлган онг воситасида фикр юритиб, табиати мушоҳада этиш ва англаш кишига кўпроқ завоқ бағишлади, деб ҳисобларди».

Санда ЖўРАЕВА тайёрлади

Nadomat

Хиёнат қурбони

Содир этилган жиноятга жиноятчининг ўзи сабабчи, деймиз. Аслини олиб қараганда шундай. Лекин баъзида жиноятнинг келиб чиқишига жиноятчининг яқинлари, атраф-муҳит ҳам сабаб бўладики, бунга қўшничка эътибор бермаймиз.



Таня (исмлар ўзгартirilди) энгил ҳаёт кечирувчи аёллар тоифасидан эди. У ҳаёт факат айшу ишрат, кайфу сафодан иборат, деган ақидага амал қилар, бўйи-бўйига тенглашиб, воёга-етаян Сервер ҳақида ўйлаётган эди. Бир кунма сир кун ўғлида уйғонадиган рашк, газаб алангаси кўзни кўр, қулқонни қар қилиши, бошга битган бало бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирмасди. Сервер ўзлари яшайдиган унинг ўрўласидан қўлбола устакана очиб олганди. Вактининг асосий қисмини шу ерда ўтказарди. Қоёвиза юз беришидан икки ой бурун у Дима билан танишиб қолганди. Дима шаҳардаги автоустахоналардан бирида чилангарга ёрдамчи бўлиб ишлар, хуллаас, техникага бўлган ҳавас иккаласини қадрдон қилиб юборганди. Шу сабаб Дима Серверни қўрага ўз уйида эмин-эркин қилиб-қилиб турарди.

Ушанча Дима соат йигирма бирларда ишдан қайтди. Сервернинг устаканасида чирок ёниқ эди. Ичкарига кирса, Сервер бир ўртоғининг мотоциклини тузатаётган экан. Бироз унинг ишини кузатган Сервердан уйда одам бор-йўқлигини сўради. Уйда... ҳеч қандай иш қилгани эшитмади, тепага кўтарилди. Афсуски, Сервер ўз уйида нималар бўлаётганидан беҳабар эди. Дима тепага кўтарилганда меҳмонхонада телевизор овози пастилатиб қўйилганди. Дима эшикни бироз қийиб, ичкарига мўралади. Таня хола бөгона эркак билан...

У ноқулай аҳволга тушиб эшикни ёпида ва Сервернинг устаканасига тушибди. Бироздан сўнг у Серверга «Интернет кафе»га бориб кўнгил ёзиб келишни таклиф қилди. Қайтиб келишга, яна устаканага қирлиди. Дима тепага кўтарилди. Карасики, аҳвол ҳамон ўша-ўша. Дима оҳонага ўтиб, макарон пиширишга унанди. Бироздан кейин устакани берикитган Сервер ҳам уйга қайтди. У ичкаридаги воқеадан воқиф бўлиб уйда ким борлигини сўради. Табиийки, Дима айтишни эп билиб, елка қисади. Сервер уйда юз бераётган хиёнатга чидаб туролмади. Ичкарига кириб «бас қилинг»

лар», дея бақиради. Нотаниш эркак билан гижиллашади. Унинг қилиқлари жонига тегиб кетди, — дейди у онасини назарда тутиб. — Анави нухсаннинг ҳам таъбирини бериб қўйсак...

Таклиф Димага ҳам маъқул тушди. — Сен уни қўрага олиб чиқ, — дейди Дима Серверга. — Мен қўрада кутиб тураман. Шафдан темирни кўлга олган Дима қўрага ўйи олади. Бироздан сўнг олдинда Сервер, оранда нотаниш одам — Марат ташқарига чиқишади. Панада кутиб турган Дима уларни олдинда ўтказиб юборди. Сўнгра орка томондан Маратнинг бошини мўлжаллайди, бунга пайқаган Марат қўнича унанди. Дима оёғи билан уни чапиб юборди. Бир неча сония ичида кетма-кет бошга урилган темир Маратнинг умрига зомин бўлади.

Улар Маратнинг чўнтакларини қовлаб 700 сўм пул, «Нокиа» русумли қўл телефони олишади. Жасадни жойида қолдиришиб, яна «Интернет кафе»га боришади. Ярим соатдан сўнг яна жасаднинг ёнида пайдо бўлишади ва қўздан панарок бўлсин, дея жасадни гараж билан ўй ораллига ўтказиб ташлашади. — Улдириш ниятимиз йўқ эди, — дейди Дмитрий Михайлов суддаги қўрғазмасида. — Фақат Сервернинг онаси билан бирга бўлгани учун дўппослаб, аламдан чиққоқчи эдик.

Судланувчи Д.Михайлов 20 ёшда иккинчи мартабада жиноят содир этди. У муқаддам икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ўтаб чиққан бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармаган. Сервер Осмонов эса хали навиқол. Жиноят содир этган паллада воёга ҳам етмаган эди. У онасининг номусизлиги сабаб жиноятга қўл урганлигини баён қилди. Бирок, бу жазони энгиллаштира олмайди.

Суд ҳар иккала судланувчига қилмишига яраша жазо тайинлади.

Салоҳиддин ТУРСУНОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси, Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Буна 902 индекс билан «Матбуот тарқатувчи» АЖ ва «Ўзбекистон почтаси»нинг барча бўлинмаларида ҳамда тахририят билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга ошириллади



Республика суд-ҳуқуқ идораларининг «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий, ойлик, рангли, оммабоп журналига буна бўлинг!

Адлия вазирилик жамоаси Ҳоразм вилоят Хива туман ФХДё бўлими мудираси
Бакпошша МАДРИМОВАнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳуманинг оила азолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 20 октябрдан 26 октябргача бўлган маълумот

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**
 - «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ҳодимлари ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги Низомга ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2007 йил 12 октябрдаги 126-сонли буйруғи.
 - 2007 йил 20 октябрда 1626-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).
 - «Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Иқтисодиёт вазирилик, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 83, 28, 2007-51-сонли қарори.
 - 2007 йил 20 октябрда 1729-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).
 - «Шифокор рецентисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2007 йил 25 сентябрдаги 422-сонли буйруғи.
 - 2007 йил 20 октябрда 1730-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).
 - «Истеъмолчи объекларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 17 сентябрдаги 144-сонли буйруғи.
 - 2007 йил 20 октябрда 1731-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).
 - «Республика кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчилик низомни ўз қўнини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 12 октябрдаги 92, 01/23-1060, 25/6-сонли қарори.
 - 2007 йил 20 октябрда 145-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).
 - «2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли махсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқа, инвестициялар ва савдо вазирилик, Иқтисодиёт вазириликнинг 2007 йил 5 сентябрдаги 01-02/12-27, ЭҒ-01/10-3960, 33-сонли қарори.
 - 2007 йил 22 октябрда 1732-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 ноябрдан кучга киради).
 - «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси бортқўзғувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (ЎзР АҚ-95)»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 20 сентябрдаги 145-сонли буйруғи.
 - 2007 йил 26 октябрда 1733-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 ноябрдан кучга киради).

- II. Давлат реестридан чиқарилиди:**
 - Республика кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчилик низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 145, 26.05.1995 й.).
 - Адлия вазириликнинг 2007 йил 20 октябрдаги 204-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.
 - Кўчини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан қақчириб олинди:
 - Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2000 йил 9 июндаги 96-сонли буйруғи.
 - Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжатлар сифатида кўчини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан қақчириб олинди.

ЭЪЛОН!

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси Ховос туман 2-сонли давлат нотариал идороти нотариуси лавозимига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!
Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Компания номига ариза;
- Паспорт нусخаси;
- Безиланган шаклда тўлдирилган шахсий фотолаштирилган вақтинчилик тасвирини асос қилиб турган фотолаштирилган тасвирини;
- Талабгор ўзининг қиссий тайёргарлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ёзув уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (83672) 25-09-69, 25-00-93

Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан Фуқаро Мерганов Фарҳод Шайх-муҳаммадовичга 1999 11 январда берилган NV 000027 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ноумайга муддатга тўхтатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2007 йил 27 октябрь кунги №9-сонли ҳаёат қарорига асосан Самарқанд шаҳридаги «Нусрат» адвокатлик бюроси тугатилиб, давлат рўйхатидан чиқарилиди.

Qabohat

134 - КОНТУРДАГИ ЕР

атрофидаги можаро қотиллик билан интиҳо топди

мадим. Оғизларидаги ошни олдириб ўтиришибди-я». Йўқ. Ким нима деса, десин. У тек турмади. Хали ҳақини талаб қилиш қанча бўлишини Қаландарга қўрастиб қўйди. Шу йилнинг 24 мартада Қаландар Сайфуланинг оёғи остидан чиқиб қолди. Соат кундузи 11 лар чамаси Фузор шаҳридаги «Қишлоқхўжалик-кимё» қорхонасига бориб, база ёнида Қаландарни учратди. Сайфуланинг назарида, Қаландар ёнидаги одамларга уни қўрастиб нимадир дегандек бўлди. Қараб туриб, Сайфулла ёниб кетди. «Хўш меңда нима гапнинг бор, қани гапир?», тиргалди Сайфулла Қаландарга.

Атрофдагилар «ҳой-ҳой»лаб уни ерти олиб кетишди. Сайфуланинг Янгикентга - уйига қайтуғича ҳам ховри босилмади. Қаландарни ўлдириб бўлса ҳам қўздан кетган 30 гектар ерни қайтартириб олиш ҳақида беш кўпирди. Шу ниятда уларнинг топди-да, уларни ҳам машинага ўтиргазиб, Қаландарни излаб кетди. Фарз максидни дилига жо қилган ақа-уқалар ўз даласидан қайтаётган Қаландарни қўриб, қўвониб кетишди.

Сайфулла уқасининг айтганини қилиб, Қаландарга машинани тўхташ ишорасини қилди. Юраги сеъдимни ёки ақа-уқаларнинг авзоий бузқилигини билдирди, Қаландар машинасини тўхтамади. Сайфулла машинани орқага бурди, Қаландар билан изма-из кета бошлади. Ётиб келишгач, машинани Қаландарнинг машинасига зарб билан урди. Қаландар ақа-уқалардан осонлиқча қўтула олмастлигига қўзи етди, шекилли, машинасини зудлик билан орқага бурди, йўлни қишлоққа солмоқчи бўлди. Аммо... аммо машина қўлмакка тикилиб, тўхтаб қолди.

Бу орада «Нексия»да етиб келган ақа-уқалар машинадан тушишди. Бирови қўли билан машина кабинасига мушталган, бирови кабинанга ёпишиб, Қаландарни тортиқлаган. Аксинча олиб, машина ҳам ҳадеганда ўти олвермади. Шу ердан ўтиб қолган Тўйчи Қўваевнинг қўлидан ломни тортиб олиб, машинанинг ойналарини уриб синдиришди. Рулда ўтирган Қаландарни тортиқлаб туширишди. Отасининг ёнида ўтирган Забарнинг ёнида ўтирган Забарнинг машинадан чиқай деса, у ўтирган томонинг эшигини «Нексия» машинаси «қисиб» қўйган. Нуриддин ва Шердиллар отасини дўппослаб кетишди. Бирови юзига, иккинчиси бикинига тепа бош-

Балх шаҳрида Х асрда яшаб ўтган истеъдодли шоира Робиа Балх амири Каъбнинг қизи эди. Қиз жуда сохибжамол ва оқила бўлиб, тим қара жоду қўзлари, найзамисол киприклари ҳар қандай юракка гулгула солар, ақиқ лаблари, марварид тишлари қўрган кишини ром этарди. Беҳато ҳусн ва буни устига шоиранинг латиф таъби унинг овозини атрафга ёйган эди.

Boqiy muhabbat

БЕКТОШ ВА РОБИА

Амир Каъб қизини жуда яхши кўрар, уни бир нафас ҳам хаёлидан нари кетказмади. Кечаю-қундуз қизининг тақдирини хақида қайғурарди. Улим яқинлашганини сезган амир бир кўни ўғли Хорисни хузурига қақчирди. У ўғлига қараб деди:

— Синглинг ақли расо қиз. Унга ҳамма ошфута. Лекин қизимнинг халигача манаман деган зодогонлар, аъёларга лойиқ кўрмадим. Энди, ўғлим, мен ҳаёб билан видолашар эканман, унинг тақдирини сенга топшираман. Сен уни ўзига муносиб киши топиб, узат-гин.

Отасининг вафотидан кейин Хорис тахта ўтириши муносабати билан катта шохона зиефат берди. Жаннатни эслатувчи богда айш-ишрат давом этар, мусика садолари янгради.

Баъзи ақли орасида юлдузлар орасида порлаб турган ойдек, хушбин кийинган, қора қошли, қора қўзли, бир қўришдаёқ кишининг диққатини ўзига тортадиган сарқомак бир йиғит ўтирдирди. Унинг оти Бектош бўлиб, амирнинг хазинабони эди.

Орадан анча вақт ўтиб, кунларнинг бирида Бектош Робияни богда таңқо қўриб қолди. Шу ондаёқ унга яқинлашиб, гап ота бошлади. Бектошнинг бу харақатидан қаттиқ ранжиган Робиа жаҳл билан қўлини силтаб кетади.

Ушбу воқеадан кейин Бектош ноўрин харақатидан уялиб ўзини четга олиб юрди. Севгилисидан ранжиган Робиа эса юрак аламларини шёърга тўкиб солади.

Бир кўни қиз богда ёлғиз сайр қилиб юрганни, севиғисига аталган шериини овоз чиқариб ўқийди. Буни эса Хорис эшиктиб қолди. Ва шу кундан бошлаб синглисининг гумонсирайдиган бўлади.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, Хорис мулкига ҳисобсиз лашкарлари билан душман ҳужум қилади, қаттиқ жанг бўлади. Бу жангда Бектош ҳам қаҳрамонлик кўрсатади. Аммо тўсатдан бошига урилган Хорис шамшири зарбидан яраланиб, хушидан кетади.

Худди шу пайт жанг майдонига юзини парда билан яширган бир отлик кириб келиб, душмани ваҳимага солиб, ҳар томон тўғизиб юборади... Фурсатдан фойдаланган бу қаҳрамон отини яра-ланган Бектош томонга буради ва уни кўтариб ўз аскарлари қўлига топиради. Бектошни ўлим чаңгалидан ҳалос этган қаҳрамон Робиа эди. Жанг Хорис ғалабаси билан яқун топади.

Робиа Балхта келган машхур шоир Рудакий билан уч-

рашиб қолади ва унга шёърларини тақдим этади. Шоир қизнинг илхомисини пок муҳаббати эканлигини сезади. Рудакий Бухорога қайтиб келганда Хорис ҳам Бухорога, шох хузурига келган эди. Шох Хорис шарафига катта базм ташкил этади. Баъзи-жамшидада Бухоронинг барча олим-фузалари йиғилишади. Шунда Рудакийдан шёър ўқини илтимос қилишади. Рудакий ўз шёърларини эмас, балки Робиа шёърларини ўқиб беради. Ва бу қиз тарихи ҳақида Хориснинг мақлисида борлигини унутиб, ҳаммага достон қилади. Шунда Хорис гўё ҳеч нарса эшитмагандай ўзини мастликка солади. У Балхта қайтган, пайт пойлаб синглисининг қонини тўқшиб, шу билан оиласи шайъига қўнган инсондини ювиш пайига тушади.

Бектош севиғисидан келган мактубларини бир ўртоғига кўрсатади. Хоин дўсти уларнинг ҳаммасини Хорисга олиб келиб беради. Ҳазиланган ақида Бектошнинг зиндонга ташлайди. Ҳизматчилирига ҳаммомни қаттиқ қизитишни, Робиянинг қўлларига қишан солиб, қизини ҳаммомга қамашни буюради. Бу ҳукм эширқ этилади. Ҳаммомнинг ижро ва тешиқларини лой билан беркийтишади.

Ҳолсизликдан лахта-лахта қон қўсан қиз кўрсаткич бармомини ўз қониға ботириб, ҳаммом деворларига шёър билла бошлади. Ёзишга жой қолмаганда унинг вуқудидаги қон ҳам тугайди. Деворда мана бундай битиклар бор эди:

Нигоро сенсиз аҳвалим забундира, Юзим қўнгул қони-па лолагундир... Ушбу воқеани эшитган Бектошнинг қорак-бағри хун бўлади. У яширича қамқондан қочди ва Хориснинг харамига қилиб, бошини танасидан жудо қилади. Ошиқ йиғит қиз қабрига етиб келади ва ханжар билан юрагини тилиб, азиз маҳуббаси ёнидан қўй олади.

Иzzат АЖМЕДОВ тайёрлади